



## SOME VIEWS ON THE FEATURES OF ANCIENT KHOREZMIAN WRITING

***Kh. A. Palvanov***

*Lecturer*

*National University of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Avesta, Dingilja, Toprak-kala, Aybuyirkala, Koykrylgan-kala, Kalaliqir 2, Gyavurkala 3, Burlikala, Khumbuztepe, Yakka Parsan, Mizdahkan, Arsamukh 1, Tokkala, Vazamar.

**Received:** 15.12.24

**Accepted:** 17.12.24

**Published:** 19.12.24

**Abstract:** The article talks about the ancient Khorezmian script and some comments on its specific features, which has long been formed and developed in the Khorezm oasis and was revered by our ancestors, and also shows the stages of its formation and development.

## ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ЁЗУВИНинг ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

***Х. А. Палванов***

*ўқитувчи*

*Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Авесто, Динглижа, Тупроқкалья, Ойбуйирқала, Кўйкирилганкалья, Қалалиқир 2, Говурқалъа 3, Бурлиқала, Хумбузтепа, Якка Порсон, Миздаҳкан, Арсамух 1, Тўқкалья, Вазамар.

**Аннотация:** Мақолада Қадимги Хоразм ёзуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича баъзи мулоҳазалар тўғрисида сўз юритилиб, Хоразм воҳасида қадимдан шаклланиб ривожланиб ажоддодларимиз томонидан эъзозланиб келинган Хоразм ёзуви ва унинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисида тўхталиб ўтилган.

## НЕКОТОРЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ОСОБЕННОСТИ ДРЕВНЕХОРЕЗМСКОЙ ПИСЬМЕННОСТИ

***Х. А. Палванов***

*преподаватель*

*Национальный университет Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Авеста, Дингильдже, Топрак-кала, Айбуйиркала, Кой-крылган-кала, Калалигир 2, Гявуркала 3, Бурликала, Хумбузтепе, Якка Парсан, Миздахкан, Арсамух 1, Токкала, Вазамар.

**Аннотация:** В статье говорится о древней Хорезмийской письменности и некоторые комментарии к ее специфическим особенностям, которая издавна формировалась и развивалась в Хорезмском оазисе и почиталась нашими предками, а также показаны этапы ее становления и развития.

Хоразмнинг ўнг қирғоқ қисмидаги Дингилжа қўргони вайроналаридан бу ерда ўзига хос кучли маҳаллий маданият мавжуд бўлган, деган хulosа чиқариш имконини беради. Дарё ювиб кетган манзилгоҳлар сони анчагина. М.Г. Воробьева жуда катта микдордаги сопол буюмларини топган. Бронза даврига бориб тақаладиган жанубий зироатчилик маданияти анъаналари намоён бўлмоқда. Бу ҳол айрим олимларнинг Кўзалиқир кўхна шахри Хоразм Аҳамонийлар салтанати таркибиға кирган даврда форс босқинчилари томонидан курилган, деб тахмин килишларига олиб келди. Бироқ бу фикр ёдгорлик форслар Ўрта Осиёни забт этишидан анча олдинги милоддан аввалги VI аср санасига мувофиқ келмайди. Аҳамонийлар салтанати таркибиға кирган мамлакатлар билан олиб борилган турли алоқалар ҳисобиға маданият бойиб борди. Чамаси, худди шу даврда хоразмийлар арамей алифбоси асосидаги ёзувни қабул қилганлар. Тасвирий санъат ва хайкалтарошлиқ ривожлана бошлаган [1].

Милоддан аввалги VI-IV асрларга келиб, 22 ҳарфдан, (яъни ундаги товушни ифодаловчи) иборат бўлган арамей алифбоси Ўрта Шарқнинг идора қилиш, иш юритувчи ва маъмурий тили вазифасини бажарган [2].

Аммо Ўрта Осиё халқлари тилларининг товуш хусусиятлари арамей тилларида фарқли эди. Шунинг учун арамей алифбосидаги бир неча белгининг маҳаллий парфиёний, хоразмий, сўғдий, бахтарий тиллари талабидан келиб чиққан ҳолда вазифаси ўзгарган.

Ўзбек халқининг миллий маданияти узоқ тарихий даврни қамраб олади. Шарқ мамлакатлари ичida энг қадими ёзув намуналарини ўлкамизда яшаган аждодларимиз яратганлиги фанда аниқланган. Хоразм тупроғида жойлашган Қўйқирилган қалъа харобаларидан топилган сопол идишларга ўйиб ёки туш билан битилган арамей типидаги ёзув эрамиздан аввалги IV-I асрларга оидdir. Бундан ташқари хоразмшоҳлар пойтахти Тупроққалъада кашф этилган эрамизнинг III асрига мансуб архив ҳужжатлари, Нисодан топилган ҳамда эрамиздан аввалги I асрга оид Парфия архиви ҳужжатлари Ўрта осиёликларнинг илк антик замондаёқ саводли бўлганлигини исботлайди [3].

Хоразмда ёзувнинг алифбели ҳарф-товуш, фонетик босқичи мил. авв. IV – III асрлардан бошланган. Ойбуйирқала номли археологик ёдгорликдан топилган сопол

парчасидаги ёзув ҳозирча хоразмий алифбели ёзувнинг энг қадимги намунаси деб ҳисобланади [4]. Фонетик ёзув босқичига кириш аввалги ёзув яратишга қаратилган уринишларга чек қўйиб, мазкур илк босқичнинг ёзув чизмалари унутилишига олиб келган. Чунки янги алифбе, ҳар бир ҳарф муайян бир нутқ товушига тўғри келишига асосланган эди. Бинобарин, ёзув инсон нутқининг энг биринчи унсурини, яъни нутқ товушини тушуниш каби муҳим эмпирик ва назарий хуносага таянган буюк кашфиётдир [5].

Ўрта Осиё ҳалқларининг қадимий аждодлари фонетик, соф нутқ товушининг – белги алифболарнинг энг тугал намуналарини яратишга қодир бўлган. Масалан, авесто тилида сўзловчи кишилар нутқининг барча нозик жиҳатларини аниқ акс эттирган [6].

Милоддан аввалги IV-II асрлар Хоразмнинг маданий ва иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланиш даври бўлди. Суғориш тармоғи кенгайтирилиб, қайта кўрилди. Қишлоқлар, қалъалар ва шаҳарлар қурилиши илдам кечди. Тасвирий санъат кенг тарқалди, амалий ва ҳайкалтарошлиқ санъати - деворий сурат излари ва ҳайкаллар Султон Увайс тоғидаги Говур қалъя, Қалъали қир-2 обидалари топилди. Кўп жойларда В.А. Лившицнинг ишлари туфайли тилшунослик ва тарих фанлари ютуғига айланган қадимги Хоразм ёзувлари наъмуналари қўлга киритилди [7].

Хоразм воҳаси худудларидан Кўйқирилганқалъя, Қалалиқир 2, Говурқалъя 3, Бурлиқала, Хумбузтепа, Якка Порсон, Миздаҳкан каби археологик ёдгорликларни қазиб ўрганиш давомида топилган хоразмий ёзувнинг кўплаб ёдголиклари бу воҳанинг қадимиј ёзув маданияти ҳақида аниқ тасаввур беради [8].

С.П.Толстов 1951 йилда Кўйқирилганқалъада олиб борган тадқиқотларида ёдгорликнинг ташқи ҳалқасининг вино сақланадиган катта-катта хумлар билан тўла хоналарининг биридан топилган қисқа бир ёзувни қайд қилиб ўтиш лозим, бу ёзув фақат Хоразмдагина эмас, балки умуман бутун Ўрта Осиёдан топилган ёзувлар ичida энг қадимијларидан бири ҳисобланади. Ёзув хумга унинг чамбари остига арамейчадан келиб чиққан, осонликча ўқиладиган хат билан ўйиб ёзилган эди. У: 'SPB R/DK – "Аспабарақ" ёки "Аспабадак" деб ўқилади. С.П. Толстовнинг фикрича, бу сўз эрончадир – сўзнинг от ўзаги ҳам, унинг охиридаги аффикс ҳам эрончадир. Сўзни "Отда кетаётган" ёки "От миниб турган" деб таржима қилиш мумкин; ҳар икки ҳолда ҳам у атоқли ном бўлиб, хум эгасини ва унга қарашли отни ифодалашини қайд қилиб ўтган [9].

Хоразмий ёзув ёдгорликларининг энг йирик гуруҳи Тупроққала архиви номи билан машҳур. Архив таркибидан 8та чармга битилган ҳужжат парчалари сақлаган. Булардан ташқари бир қанча чарм юзасидаги ҳужжатлар ўрамлар шаклида хумда сақланган экан. Хум эса иморат вайрон бўлган пайтда тупроқ билан тўлган. Ўрамлар орасига кирган тупроқ намлик таъсирида лойга айланган. Чарм эса чирий бошлаган. Унинг юзасидаги ёзув излари

лой қабати юзасига сингтигидан ҳолда сақланган. Тупроққала қазишмалари давомида шартли рационалдан 90-рақам билан белгиланган хонада шу каби ёзув акси сингиб қолган кесак бўлакларидан 18 таси, 93-хона харобалридан 17 та ёзув қолдиклари сингиб қолган кесак парчалари топилган. Бу каби йирик парчалардан ташқари мингга яқин майда кесак парчаларида биттаиккита, баъзан учта ҳарф қолдиғи сақланган ҳоллар ҳам бор. Уларни кўзгу орқали ўнглаб ўқишига ҳаракат қилинган. Кесак парчалари юзасидаги ушбу ёзувлар шартли рационалда “Г” (яъни, глина “лой”) туркуми деб белгиланган [10].

Тупроққалъя ёдгорлигидаги саройнинг жанубий қисмида “Ҳарамхона” жойлашган. Хона деворига ҳашаматли кийинган аёл кишининг ён томонидан туширилган суръати тасвириланган. Ҳарамхонанинг шарқида “Қурол-аслаҳа хонаси” жойлашган. Сабаби бу жойдан ҳарбий асбоб-анжомлар, қуроллар, ўқ-ёй топилган. Бу бинонинг иккинчи қавати сақланиб қолмаган. Юқори қават архив бўлганлиги кўриниб турибди. Юқори қават пастга нураб қулаб тушганлиги сабабли, қурол аслаҳалар уюмига қадимги Хоразм ҳужжатлари аралашиб кетган [11].

1948-1949 йилларда қилинган энг ажойиб кашфиёт, саройнинг юқори қаватидаги хоналарнинг биридан қадимги хоразмликларнинг тери ва ёғочга ёзилган архивининг топилишидир. Ҳаммаси бўлиб 140 та ҳужжат топилган, шундан 122 таси терига ёзилган, уларнинг кўпи чириб кетган. Улардан 18 таси ёғочга ёзилган бўлиб, жуда яхши сақланган. Терига ёзилганларининг фақат 8 тасигина яхши сақланган бўлиб, ундан ташқари қолганлари лойга қоришиб қатламлар орасида чириган ҳолда топилган. Бу ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурий хўжалик масалаларига доир бўлиб, оромей типидаги алифбода ёзилган. Умуман олганда Тупроққалъя манзилгоҳидан топилган архив ҳужжатларини икки гурӯҳга ажратса бўлади:

1. Ёғочга ёзилган текстлар бўлиб, дона-дона қилиб ёзилган ҳаттотлик ёзуви бўлиб, қўшалоқ ҳарфлар йўқ ҳисоби. Қатор қилиб ёзилган, ҳужжатда белгилар деярли тақрорланиб келган. Матннинг характерли томони шундаки, янги гап хат бошидан бошлаб ёзиб кетилган. Мулқдорнинг исмидан кейин катта миқдордаги соннинг ёзилиш усули эрондан кириб келган бўлиши мумкин. Бу афтидан солиққа оид мажбуриятлар дафтари бўлса керак.

2. Терига ёзилган матнлар бўлиб, бу ёзувнинг хусусияти шундаки, кўмакчи предлоглар тақрорланган. Рақамли белгилар бўлиб, белгилар ҳисоблаб чиқилганига қараганда бу ёзувлар озиқ-овқатни ҳисоб-китоб қилувчи дафтари бўлса керак [12].

II асрда ёқ Хоразмшоҳлар кушон тангаларининг ҳар икки томонига ўзларининг “S” симон тамғаларини туширадилар. II асрнинг охири ва III аср бошларига келиб подшо Арсамух 1 ва унинг хотини зарб қилдирган тангалар пайдо бўлади, бу аёл тангаларга ўз

қаллигининг исмини ёздирган. Булар хоразмча хат туширилган энг дастлабки тангалар бўлиб, Хоразм ёзувининг энг қадими ёдгорлигиdir.

Хоразм алифбеси Аҳамонийлар империясида Аҳамонийлар идораларининг ( бу идораларда сурялик хаттотлар хизмат килганлар ) оддий хати сифатида кенг тарқалган қадимги Сурия, оромий ёзувига жуда яқинdir. Форсча хатти миҳий ( ҳарфлари пона ёки миҳга ўхшаган хат—У.Б.) ёзувлари айрим зафарномалардагина ишлатилган. Эрон ва Ўрта Осиёning турли-туман алифбелари—аршакий паҳлавийлари ва сосоний паҳлавийлари ( ёки форсийлар) нинг алифбелари, “ Авесто” алифбеси, Сўғд алифбеси ва унинг Марказий Осиё ва Узоқ Шарқдаги кейинги уруғлари---уйғур, мўғул ва манчжурия алифбелари, Бухоро ва Усрушонанинг ( Ўратепа тумани) Сўғд алифбесидан фарқ қиласидан алоҳида бир алифбелари ўз шажараларини оромий ёзувидан бошлайдилар. Хоразм алифбеси Аҳамонийлар давридаги мумтоз оромий алифбесига бориб тақалувчи мустақил бир тармоқни ташкил этади. Бу алифбеда оромий анъаналари юқорида санаб ўтилган алифбеларнинг ҳаммасидагидан кўпроқ сақланиб қолган бўлса керак.

**WrqhWmphMK---**“ подшо Арс (а) мух” дея ўқиладиган Арсамух сўзи зўр қизиқиш туғдиради. Бу сўз осетинлардаги Нарт эпосининг энг қадимги қаҳрамонларидан бири бўлмиш Урзмагнинг исмига жуда яқинdir. Маълумки, қолдиқлари Жанубий Хоразмда XIII-XIV асрларга қадар сақланиб келган Хоразм тили осетин тилига ниҳоятда яқинdir. Хоразм тили осетин ва сўғд тиллари билан биргаликда ҳинд-европа тилларининг қадимги массагет ва скиф ( сак) тиллари чатишиши асосида вужудга келган ва “Шимолий Эрон” деб аталган, тўғрироғи, саксармат деган гуруҳига киради. Тадқиқотчи Хенингнинг фикрича, у сўғд тилидан кўра осетин тилига хийла яқинроқdir. Шу жиҳатдан олганда, Нарт эпоси билан Хоразм сулолалари тарихига оид атоқли отларнинг бир-бирига яқинлашиб келиши зўр қизиқиш уйғотади ва алоҳида текширишни талаб қиласи [13].

Миздаҳкан, Тўққала каби ёдгрликлардан топилган кўплаб остодонларнинг сиртларида хоразмий ёзувининг ўзига хос эпитафий битиклари етиб келган. Уларда асосан антропонимларни ўқиш мумкин. Ёзувнинг хусусияти архаик. Хусусан, Тупроққала хужжатларидаги каби равон хат усулида эмас. Миздаҳкан астодонларидаги ёзув нисбатан равон ва югурук туслиги, бу мажмуа Тўққалъадан хронологик жиҳатдан ёшроқ деб баҳоланиши мумкин [14].

Араб истилосигача ёзув маданияти соҳасида эришилган юксак даража ҳақида, араблар томонидан унинг йўқ қилингани ҳақида Абу Райҳон Беруний ачиниш билан бундай сўзларни ёзиб қолдирган: “Қутайба хоразмликларнинг ёзувини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган, билимини ўзгаларга ўргата оладиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилган эди. Шу сабабли ҳақиқат билиб бўлмас даражада яширин қолди”.

Шу фикрнинг давомида Беруний яна бундай деб ёзади: “Кутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолдилар. Ўз эҳтиёжларида хотира қувватига суюнадиган бўлдилар [15].

Чиндан хам қадимги хоразмий ёзувида бутун ҳолда етиб келган бирорта китобат ёдгорлиги йўқ. Маълум ёдгорликлар эса, ёғоч тахтачалар, таёқчалар, тери, сопол буюмлар ёки уларнинг синиқ парчалари, майитларнинг этдан тозаланган устихонлари солиб кўйиладиган астодонлар сиртига битилган эпиграфик битиклар, қадимий иморатларнинг деворларида сақланган ёзувлардан иборат [16].

Қадимги Хоразм ёзувини С.П.Толстов, ундан кейин И.М.Дъяконов ва В.А.Лившицлар ўқиганлар. Профессор С.П.Толстовнинг таъкидлашича, ушбу топилган ҳужжатларда Тупроққаълада одамлар яшаб турган даврда ҳукмрон кишига тобе хонадон аъзолари ва одамларнинг рўйхатлари ёзилган. Бошқа ҳужжатларда бўлса ҳарбий чақириқ, солиқ, аҳоли жон рўйхатлари битилган.Ҳужжатлардан аён бўлишича, ижтимоий табақанинг нуфузли кишилар билан бирга уларга тегишли қуллар ҳам қайд этилган. XV-XIX асрлардаги ҳужжатларда эса Тупроққаъла ҳукмдори омборларига қабул қилинган дон, хўжалик асбобускуналари, бир ўринда эса ғилдираклар, уларнинг тақсимлаб берилиши ҳақидаги тилхат-рўйхатлар расмийлаштирилган. Бундан кўринадики, Тупроққаъладаги ушбу ҳужжатлар давлатга тегишли ҳужжатлар бўлган.Ҳужжатлар сингари қаъладан ҳар хил тангалар ҳам топилиб, эрамизнинг I асрида тангалар мисдан, кейинроқ кумушдан тайёрланганини кўрсатарди.

С.П.Толстов ушбу тангаларни ҳам тадқиқ қилиб, улардаги ёзув ва белгиларга қараган ҳолда, уларни қайси подшолик даврида ишлатилганини аниқлаб берди. С.П.Толстовнинг аниқлашича, тангалар “энг қадимги Хоразм тангаси”, “номсиз Хоразм подшоси тангаси”, “Артав тангаси”, “Артамух тангаси”, “Вазамар тангаси” дея номланганди.

Тангаларда акс этган ҳукмдорлик тасвири туширилган рамзий қиёфа-отлик чавандоз тасвирига қараб, С.П.Толстов уни қадимги Хоразм подшоларига мансуб Сиёвуш сулоласидан бўлса керак, дея таъкидлаганди.

С.П.Толстов бошлаб берган илмни И.М.Дъяконов, В.А.Лившицлардан кейин Мирсадик Исҳоқовдек тарихимиз фидойиси давом эттирди. Унинг кўп йиллик синчиклаб ўрганган изланишлари сабаб, қадимий Хоразм ёзуви, алифбо сифатида шаклланиши, ўқилиши ва ёзилиши тадқиқ этилди [17].

Сўғд тилидан олдинроқ арамей типидаги ўзига хос алфавитга эга бўлган Хоразм тили ёзувлари (асли парфия ёзувига яқин) пайдо бўлади. Кўйқирилганқалъя ва Тупроққалъя харобаларидан топилган наъмуналар ва бошқа манбалар бу тилнинг ҳам кенг худудга

тарқалғанлигидан ҳамда бир неча шевалардан иборат эканлигидан хабар беради. Хоразм тилининг фонетик, грамматик тузилиши ва лексикасига қараганда у айниқса шарқий эроний тиллар орасида ажралиб ўзига хос бўлиб, сўғд ва Осетин, сак, афгон, помир тиллари оралиғида юзага келган ва мустақил тил деб танилган. Қадимги сўғд ва Хоразм тиллари XI-XII асрларгача сақланиб туркӣ тийллар томонидан сиқиб чиқарилган ва қисман янги тилга сингиб кетган. Баъзи манбаларга Караганда, хоразмликлар XIII асрда икки тилда гапирганлар [18].

Қадимги Хоразм олимларининг қалами билан Хоразм тилида ёзилган барча асарлар сақланиб қолмаган, аммо уларнинг ишини давом эттирган олимларнинг асарларида қисман бизгача етиб келган маълумотлар бор. Хоразм воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Хоразм ёзувининг наъмуналари топиб ўрганилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари тӯғрисида маълумотлар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики Қадимдан Хоразм воҳаси аҳолиси маданий тараққиётга эришиб, юксак цивилизация яратганлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Воробьева М.Г. Керамика Хорезма античного периода / ТТХАЭЭ. - Т. IV. - М.: 1959.-С. 76-78; Ўша муаллиф. Дингильдже. Усадьба - I тыс. до н. э. в древнем Хорезме.-М.: 1973. -С. 133, 206, 207;
2. Худайберганов К. Ёзувларга яширинган тарих. Хива., 1996. 44 б.
3. И.М.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 70-258 б.
4. Мамбетуллаев М. Хум с городища Большая Айбуйиркала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН РУз. Нукус, 1979. № 1(75). С. 46-48. Яна қаранг: Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М. Памятники истории и культуры Востока. М.: 1986. С. 42-43.
5. Фридрих И. История письма. М.: 1979.
6. Аввесто: Тарихий – адабий ёдгорлик. Тошкент: 2001. 51 б.
7. Воробьева М.Г. Ранние терракоты Древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. - М.: 1968. - С. 135-146
8. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: УМЭД, 2008.
9. Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Койкрылган-кала. М.: 1967. С-17
10. Лившиц В.А. Глава шестая. Документы / В кн. Топрак-кала. Дворец. М.: 1984. С. 251-252.
11. С.П. Толстов. По древним дельтам Окса и Яксарта. М.: 1962. С-204-227.
12. Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. “Топрак-кала. Дворец”. XIV том. М.: Наука, С-21-22.
13. С.П. Толстов. Қадимий хоразм цивилизациясини излаб. Урганч., 2018, 4-97 б.
14. Ягодин В.Н., Ходжаёв Т.К. Миздахкан. Ташкент, 1977. Приложение: В.А. Лившиц. Надписи на оссуариях.
15. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. І-ж. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: 1967.